



Газета 1966 йил 1 шолдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 199 (13.796)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АМЕРИКА – ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 октябрь куни Ўзбекистонда АҚШ бизнеси ҳафталиги тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этди. Жорий йил май ойида АҚШга амалга оширилган олий даражадаги ташрифнинг самарали натижалари стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаш имконини берди.

АҚШнинг "Женерал Электрик", "Боинг", "СиЭнЭйч Индастриал", "Жон Дир", "Ханивелл", "Силверлиф", "Уайт энд Кейс" ва бошқа кўплаб компаниялари билан савдо-иқтисодий, инвестиция ва инновация соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик кенгаймоқда.

Бугунги кунда машинасозлик, нефть-газ ва газ-кимё, электр энергетикаси, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини қамраб олган қўйма-ти 5 миллиард доллардан зиёд истикболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан мамлакатимизда АҚШ инвестициялари иштирокида 25 янги корхона ташкил этилди, ўзаро савдо ҳажми икки баробар кўпайди.

Ўзаро манфаатли бизнес ҳамкорлигини мустаҳкамлашда таркибига АҚШнинг жаҳонга машҳур 37 та компанияси, инвестиция корпорациялари ва банклари кирган Америка – Ўзбекистон савдо палатаси муҳим роль ўйнаётгани таъкидланди.

Учрашувда иқтисодийнинг турли тармоқларида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, аввало, технологиялар соҳасидаги шерикликни ривожлантиришнинг аниқ истиқболлари муҳокама қилинди.

Эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни ўз вақтида амалга ошириш, шунингдек, Палатанинг янги аъзоларини жалб этган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди.

АҚШ компанияларининг Ўзбекистон

тон бозорига узоқ муддат фаолият юритиши учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Кэролин Лэмм давлатимиз раҳбарига самимий қабул ҳамда Палата аъзоларининг мамлакатимиздаги фаолиятига кўрсатилаётган ҳар томонлама кўмак учун АҚШ ишбилармонлар ҳамжамияти номидан чўқур миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистонда барча соҳа ва йўналишларда амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар тадбиркорлик ташаббусларини муваффақиятли рўйбга чиқаришда кенг имкониятлар яратаятгани қайд этилди.

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси мамлакатларимиз ўртасидаги самарали савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технология ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашда фаол иштирок этишга тайёр экани алоҳида таъкидланди.

ЎзА

ХХР РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА МАКТУБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига Мухтарам Президент жаноблари!

Хитой Халқ Республикаси ташкил топганининг 69 йиллиги муносабати билан йўллаган самимий табригингиз учун Сизга чўқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Жорий йил бошидан Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида ижобий тенденция давом этиб, ўзаро сиёсий ишонч муттасил мустаҳкамланиб бормоқда. "Бир макон, бир йўл" ташаббусини биргаликда рўйбга чиқаришда янги муваффақиятларга эришилди, халқларимиз ўртасидаги ўзаро англашув ва дўстлик изчил мустаҳкамланмоқда. Сиз билан Цзиндао шаҳрида ШХТ саммити доирасидаги учрашувимизни тез-тез эслаيمان, ушбу учрашувдан сўнг икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича биз қабул қилган янги режалар босқинча-босқинча ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мен Хитой – Ўзбекистон алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман, ўртамизда шакланган амалий муносабатлар ва шахсий дўстликни юксак қадрлайман. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида изчил ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида бундан буён ҳам Сиз билан яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга умид қиламан.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлидаги олижаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Си ЦЗИНЬПИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ БАЗАСИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда иқтисодий либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва институционал ислохотлар инвестиция муҳитини яхшилашга, хорижий ва маҳаллий инвесторлар сонининг ортиб боришига кўмаклашмоқда.

Шу билан бирга, аънавий равишда давлат тасаруфидида ва бошқарувида бўлган иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммо ва камчиликлар давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этишни жадаллаштириш юзасидан муҳим чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Ижтимоий ва коммунал соҳалар, шаҳарсозлик ва ободонлаштириш, йўл ҳўжалиги, энергетика соҳасидаги давлат монополияси товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатини, давлат маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтирмоқда.

Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг таъминловчи шартлари ва йўналишларини белгилловчи ҳуқуқий ва институционал база, шунингдек, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда бюджет тизимига молиявий, техник ва тижорат таваккалчиликларининг таъсирини баҳолаш механизми ишлаб чиқилмаган.

Давлат-хусусий шериклиги механизмларидан фойдаланиш орқали инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, уларни тизимли мониторинг қилишда давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорликни таъминловчи махсус орган мавжуд эмас.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ўзаро манфаатли шароитларда тезкорлик билан ҳал этиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тизимини самарали бошқариш ва мувофиқлаштириш учун институционал имкониятлар комплексини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ва Савдо-саноат палатасининг **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигини** (кейинги ўринларда – Агентлик деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.
2. Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлиги ва афзалликларини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

давлат-хусусий шериклик соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишда идораларо мувофиқлаштиришни таъминлаш, шунингдек, лойиҳалар тўғрисидаги ахборотни очиқ ҳолда жойлаштириш ва уларнинг реестрини юритиш;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, шу жумладан, муайян лойиҳалар концепцияларини ишлаб чиқишда вазирлик ва идораларга кўмаклашиш;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш масалаларида инвесторлар, халқаро молия ва донор ташкилотлари, илмий ва эксперт ҳамжамиятлари, шунингдек, бозорнинг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорликни ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳалари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш, лойиҳаларни молиялаштириш механизми, шу жумладан, юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниқлаш ва тақсимлаш юзасидан уларнинг тақлифларини кўриб чиқиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, шу жумладан, лойиҳаларга жалб қилинган бюджет тизими маблағларидан фойдаланилишини, шунингдек, тегишли тармоқлардаги халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш амалиёти-ни мониторинг қилиш.

(Давоми 2-бетда)

XXI савдоси

Барча мамлакатлардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Каршида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус – 2018" кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Қорақалпоғистон Республикасида "Орол балиқларидан 99 тур таом" гастрономик халқаро фестивали ҳамда "Орол ва Мўйноқнинг қайта тикланиши" мавзусида халқаро экофестиваль бўлиб ўтди.

• Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан "Сурхондарё" номли журнал ўзбек, инглиз ва рус тилларида кўп минг нусхада чоп этилди.

• Фарғона вилоятида қурилиш махсуслотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони яна биттага кўпаймоқда. Ўзбекистон туманида лойиҳа қиймати 153 миллион доллардан зиёд бўлган янги цемент заводи қурилишига тамал тоши қўйилди.

ЖАҲОНДА

• Афғонистонда парламент сайловига аралашшга уринган 60 киши қўлга олинди. Айтилишича, Қобулда 44 киши ушланган бўлиб, улар орасида полиция вакиллари ҳам бор.

• Москвада Курьон ҳофизларининг XIX халқаро танлови бўлиб ўтмоқда. Танловда дунёнинг 30 дан ортик давлатидан келган қорилар "ҳифз" йўналишида беллашмоқда. Шунингдек, томошабинлар махсус тақлиф этилган меҳмонлар, жумладан, "Афғонистоннинг олтин овози" Абдулқабир Хайдарий, Маккадаги Масжиди Харом имоми шайх Ҳасан Бухорий ва таниқли қори шайх Амир ал-Мухалхал ижросида Курьон оятларини тинглаши мумкин.

• Хитойнинг Ченгду шаҳрида иккинчи Ой пайдо бўлиши мумкин. Технология ёритиш тунги чироқларнинг ўрнини эгаллаши керак бўлади. "Иккинчи ой"ни 2020 йилда осмонга чиқариш режалаштирилмоқда. У ҳақиқий ойдан саккиз марта ёруғроқ ва 10–80 километр диаметрдаги майдонни ёритиши мумкин бўлади.

Жорий йилнинг 6-18 октябрь кунлари

Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида ўтказилган III ёзги ўсмирлар Олимпия ўйинларида Ўзбекистон делегацияси аъзолари 5 олтин, 4 кумуш ва 7 бронза медалларни қўлга киритди.

Олимпия ўйинлари – 2018

МУЗАФФАР СПОРТЧИЛАР МУНОСИБ КУТИБ ОЛИНДИ

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида музаффар спортчиларимизни давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, олимпиадчиларнинг ота-оналари, журналистлар тантанали кутиб олди.

III ёзги ўсмирлар Олимпия ўйинларида ёш спортчиларимиз жаҳоннинг 206 давлатидан йиғилган 4 мингга яқин тенгдошларига қарши муносиб беллашиб, жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган не-не улуг зотларнинг муносиб ворислари, Ўзбекистондек буюк юртининг ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч қачон кам бўлмайдиган фарзандлари эканини исботлади.

Кескин ва муросасиз беллашуларда зафар қучган спортчиларимизнинг мардлиги, жасорати, шижоату матонати дунё аҳлини лол қолдирди, десак муболага бўлмайди. Зеро, уларнинг бундай юксак муваффақия-

ДЕПУТАТЛАР САЙЛАНДИ

2018 йил 15 октябрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Унда 2018 йил 14 октябрда бўшаб қолган ўринларга бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисидаги баённомаларга асосан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар туман Кенгашлари депутатлари этиб сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Газетамизнинг иккинчи саҳифасида шаҳар ва туман Кенгашларининг бўшаб қолган ўринларига сайланган депутатлар рўйхати эълон қилинмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ти мамлакатимиз мустақиллиги, ўсиб келаётган ёш авлодининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб воғга этиши учун яратилаётган кенг имкониятлар тўғрисида.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ва бунинг учун кенг имконият, зарур шароитларни яратишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Бунинг самарасида жисмонан ва маънан соғлом, жаҳон ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш, манамен деган давлат вакиллари билан мусобақалашшга қодир спортчилар тарбияланмоқда.

(Давоми 4-бетда)

Халқ сўзи Народное слово

ГАЗЕТАХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Шу кунларда "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент" газеталари ҳамда "Халқ сўзи" — "Народное слово" таҳририяти журналистлари шахримиздаги корхона ва ташкилотларда учрашувлар ўтказиб келмоқда.

Ижодкорлар муштарийлар билан мулоқот чоғида уларнинг газеталар мазмун-мундарижасини янгилаш, таъсирчанлигини ошириш, долзарб мавзуларни эътиборни тортадиган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

даражада ёритишга қаратилган тақлиф-истакларини муҳокама қилди-лар. Аҳолининг жойлардаги муаммо ва камчиликлар борасидаги фикр-мулоҳазаларини тингладилар ҳамда мазкур масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этишларини билдирдилар. Айтиш жоизки, ижодий гуруҳлар таркибига таниқли адиб ва шоирлар, илм-фан ва маданият соҳаси вакиллари ҳам жалб этилган.

Ўзаро ҳурмат ва ишончга қурилган шу каби учрашувларда, мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ислохотлар, инсон қадри улуг бўлган жамиятимизда юз бераётган янгиланишлар, Президентимизнинг халқимиз фаровонлиги йўналиштирилган эзгу ташаббуслари хусусида ҳам атрофича сўз бормоқда.

Маъмур учрашув ва мулоқотлар пойтахтимиз туманларида қизгин давом этапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ БАЗАСИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Белгилансинки: Агентлик давлат муассасаси шаклида ташкил этилади ва **Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шериклик соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади;**

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, танлов ҳужжатлари, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар лойиҳалари ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар мажбурий тартибда Агентлик билан келишиши лозим;

Агентлик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши, техник-иқтисодий ҳамда молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни уларнинг ташаббускорлари ва иштирокчиларидан сўраб олиш ҳуқуқига эга;

Агентлиكنи таъминлаб туриш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағларидан молиялаштирилади;

Агентликка директор – Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари раҳбарлик қилади;

Агентлик директорининг биринчи ўринбосари ва ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Агентлик ходимларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

Агентликнинг Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган ходимлари, экспертлари ва маслаҳатчилари хизматларига ҳақ тўлаш белгиланган тартибда хорижий валютада амалга оширилиши мумкин.

4. Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб куйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари, халқаро ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотлари, молия институтлари ҳамда бошқа донорларнинг грантлари ва кредитлари (қарзлари);

юрidik ва jisмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 30 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги: Агентликнинг чекланган сони ва тузилмасига, зарур ҳолларда, ўзгартиришлар киритиш; Агентликнинг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, эгаллаб турган асосий лавозими бўйича лавозим маошларига (тариф ставкаларига) устамалар ва рағбатлантирувчи бошқа тўловларни белгилаш;

халқаро амалиёт ва бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда, Агентликка юкланган вазифаларни амалга ошириш учун шартнома асосида жалб этиладиган мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

6. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, зарур ҳолларда, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш учун масўул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлимларни ташкил этсин, уларни бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сони доирасида камидан икки нафар малакали мутахассис билан таъминласин.

7. Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

а) 2018 йил 1 декабрдан давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиб, ёндашувлар, тартиблар ва уларни амалга ошириш механизми бирхиллаштирилишини таъминлаш бўйича тақлифлар киритсин;

б) 2018 йил 1 декабрдан Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) 2019 йил 1 январгача куйидагиларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин;

иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа кесимида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича комплекс ёндашув ва стратегик вазифалар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва таъминлаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш; давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида халқаро молия институтлари, донор-давлатлар, компаниялар ва банклар билан ҳамкорликни ўрнаттиш.

8. Агентлик Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 26-уй манзилида беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентлиكنи белгиланган тартибда зарур алоқа билан, шунингдек, юқори тезликда ишлайдиган Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: бир ҳафта мuddатда Агентлик тузилмаси ва низомини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой мuddатда Агентлиكنи юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш учун зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилиши таъминласин;

бир ой мuddатда Агентлиكنи зарур мебель, жиҳозлар, компьютер усуналари, шунингдек, зарурат бўлганда, транспорт воситалари билан таъминласин;

икки ой мuddатда манфаатдор идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К.Саидова ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 20 октябрь

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланган депутатлар рўйхати

Округ номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими, турар жойи	Депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия
38-Олмазор (Чилонзор)	Ташмухамедова Дилорам Гафурджановна	1962 йил, "Адолат" СДП, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
34-Авиасозлар (Яшнобод)	Тиллашайхов Ходжиакбар Камалитдинович	1983 йил, ЎзЛиДеП, Яшнобод тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
45-Қоратosh (Шайхонтоҳур)	Мухамедханов Шухрат Санджарович	1958 йил, ЎзЛиДеП, Шайхонтоҳур тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар туман Кенгашлари депутатлигига сайланган депутатлар рўйхати

Округ номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими, турар жойи	Депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия
6-Мироб (Бектемир)	Мамаджанов Шохрух Бахтиярович	1984 йил, "Адолат" СДП, Бектемир тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
11-Норуда (Бектемир)	Хаджиев Анвар Одилевич	1980 йил, "Адолат" СДП, "Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston Ltd" МЧЖ ҚҚ Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
9-Сарҳумдон (Шайхонтоҳур)	Мухамедханов Шухрат Санджарович	1958 йил, ЎзЛиДеП, Шайхонтоҳур тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
16-Ватандoш (Яшнобод)	Тиллашайхов Ходжиакбар Камалитдинович	1983 йил, ЎзЛиДеП, Яшнобод тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ-ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ ФАОЛ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

АҚШнинг "EBSCO" маълумотлар базаси илмий ва таълим муассасаларини ахборот билан таъминлаш соҳасида жаҳондаги етакчи компаниялардан биридир. Компания Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб жаҳон нашриётларининг электрон илмий-таълим ресурсларидан фойдаланиш бўйича ўз хизматларини кўрсатишни бошлаган.

Компаниянинг маълумотлар базалари илмий ходимларга, илмий даража олиш талабгорларига диссертация ишларини юқори даражада ишлаб чиқиш ва ўқитувчиларга кадрлар тайёрлаш даражасини оширишда қўлайлик туғдирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 120

дан ортиқ илмий марказлари ва барча олий ўқув юрлари АҚШ, Канада ва Европанинг бошқа мамлакатларида чоп этиладиган 4 мингдан зиёд илмий журналлардан маълумот олиш имкониятига эга.

Мазкур хорижий электрон базадан фаол фой-

"Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида 22-26 октябрь кунлари илк бор "InnoWeek" инновацион гоялар ҳафталиги бўлиб ўтади.

Ахборот-коммуникация технологиялари

ТОШКЕНТДА ИННОВАЦИЯЛАР ҲАФТАЛИГИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Тадбирда Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги, маҳаллий ва хорижий етакчи илмий-тадқиқот муассаса ва компаниялари, инвестиция жамғармалари, технологик агентликлар, технопарклар, фан ва техниканинг турли соҳаларида тадқиқот ишлари олиб борувчи бизнес-инкубаторлар вакиллари иштирок этади.

Унда Австралия, Буюк Британия, Голландия, Италия, Исроил, Россия, Туркия, Эстония, Эрон, Қозоғистон ва АҚШдан келган олимлар ўз илмий ихтиро ва ишланмаларини тақдим қилади.

Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлигининг маълумотига кўра, "InnoWeek" Ўзбекистоннинг ҳукумат ва ишбилармон доиралари ва салоҳиятли сармоядорлар мулоқоти учун ўзига хос майдонча яратишга мўлжалланган муҳим

тадбирдир. У нафақат Ўзбекистон, балки чет элда ишлаб чиқилган янги технологияларни ҳам намойиш қилишга йўналтирилган. Ҳафталик доирасида бўлиб ўтадиган гоялар алмашинуви иштиқболли инвестиция имкониятларини рўёбга чиқариш имконини беради.

"InnoWeek" дастури қатор ихтисослаштирилган тадбирларни ўз ичига олган. Биринчи инновацион технологиялар халқаро ярмаркаси, халқаро инновацион ва инвестиция форуми ҳамда робототехника бўйича халқаро ёшлар чемпионати ҳам шулар жумласидандир. Ҳафталик доирасида ижтимоий ва молия соҳаларидаги инновациялар, кишлоқ ҳўжалиги, иқтисодий ва давлат бошқарувидаги сўнги илмий ютуқлар намойиш этилади.

Роман БОНДАРЧУК

даланувчи юртдошларимиз ҳам борки, бугун пойтахтимизда уларни рағбатлантириш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш учун электрон маълумотлар базаларидан тўғри ва унумли фойдаланиш бўйича ахборот саводхонлигини ошириш мақсадида тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тадбирда вазирликлар, илмий марказлар ва олий таълим муассасалари вакиллари, олимлар, ахборот-кутубхона муассасалари директорлари, "EBSCO Information Services" компанияси вакиллари иштирок этади.

"Infolib Uzbekistan" VII Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, "EBSCO Information Services" компанияси ҳамда "E-LINE PRESS" МЧЖ томонидан ташкил этилган тадбирда "EBSCO" маълумотлар базаси фаол фойдаланувчилари турли номинациялар бўйича тақдирланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТУБ ЎЗГАРИШЛАРГА МУҲТОЖ

Аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатишнинг ривожланган ва самарадорлиги нафақат аҳоли ҳаётининг сифатини оширади, балки жамият маданияти, унинг маънавий ва турмуш тарзи даражасини ифода қилган ҳолда иқтисодий салоҳиятининг ўсиши ва инвестициялар жалб қилиш учун муҳим шарт-шароитлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Бу борада иссиқлик таъминоти тизимининг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолиди дастуридан ўрин олган коммунал соҳага оид вазифалар ижросини таъминлаш борасида истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, соҳага замонавий тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда соҳага оид қонунчиликни ўрганиш йўналишида аниқланган бир қатор муаммолар муҳокамаларнинг бош мавзуси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан иссиқлик таъминоти тизимининг асосий фондларини янгилаш ва модернизациялаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Қарор билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, ягона техник сиёсат ва ижро механизмларини ўрнаттиш белгиланган.

Фракция депутатларининг шаҳар ва туманларда аҳолининг барча тоифалари билан мулоқот ўтказган ҳолда жойлардаги ҳақиқий аҳолини ўрганишлари жараёнида иссиқлик таъминоти масаласида аҳолидан кўплаб мурожаатлар бўлган.

Жумладан, истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш бўйича тарифлар ўрнатилишнинг шаффофлиги ва асосланганлиги таъминланмаган. Мисол учун, "Toshisqiqquwati" давлат унитар корхонаси "Toshisqiqlik markazi" давлат унитар корхонасидан иссиқлик энергиясини гигакалорияда сотиб олади, лекин аҳолига, истиқомат қилаётган яшаш майдонларига нисбатан иссиқлик энергиясининг метр кубда сотади.

Айрим аҳоли пунктларида хонадонлар тўлиқ иссиқлик ўлчаш асбоблари билан жиҳозланмаган ва етказиб берилаётган иссиқлик энергиясини ўлчаш имконияти мавжуд эмас. Бундай ҳолат истеъмолчиларга етказиб берилаётган иссиқлик энергияси учун аниқ тарифларни ҳисоблаб чиқишда қийинчилик туғдирмоқда. Бу эса иссиқлик энергиясини етказиб берувчи ташкилотга тарифларни асосиз оширишга хизмат қилмоқда. Соҳанинг бошқарув тизимида монополиянинг мавжудлиги бозор иқтисодиётига мос равишда ривожланишига, замонавий тежамкор ва энергияни иқтисод қиладиган технологияларни жорий этишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, аксарият қозонхоналар асосан табиий газда, қисман қаттиқ ва суюқ ёқилда ишлашга мўлжалланган. Республикада 1991 йилгача қурилган ҳар хил қувватдаги 2 минг 300 га яқин қозонхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг эскириш даражаси 70 фоизни ташкил этади. Қозонларнинг, магистраль ва тақсимловчи иссиқлик қувурларнинг ҳамда кўп қаватли уйлارнинг иссиқлик тизимлари ва усуналари эскирганлиги сабабли 1 Гкал иссиқлик қувватини ишлаб чиқишга сарф қилинадиган ёқилғи белгиланган нормадан 1,5 баробарга ошиб кетиш ҳолатлари кузатилган. Йирик шаҳарларда иссиқлик қувурларининг меъёрдан ортиқ ишлатилгани, иссиқ сувнинг аҳоли томонидан сабабсиз оқибди бўрилиши, тизимни совуқ сув билан тўлдириб туриш ҳолатлари кузатилмоқда.

Қонун ҳужжатларининг инвентаризацияси натижасида аниқланишича, юқорида кўрсатилган ҳолатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас. Ушбу соҳага оид муносабатлар тарқоқ ҳолда бўлиб, айрим қонуности ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда иссиқлик таъминоти соҳасининг ҳуқуқий асосларини ўзида бевосита акс эттирувчи қонун ишланмаган. Шунингдек, иссиқлик таъминоти тизимига улашиш шартлари, иссиқлик таъминотида мол турларининг таснифи, иссиқлик ташувчи талабларни белгилаш, алоҳида истеъмолчиларга иссиқлик энергияси сотилмаганда, захира қуввати сақланиши учун тўлов киритилиши, иссиқлик таъминоти тизимида иссиқлик юкламини тақсимлаш масалалари ҳуқуқий тартибга солилмаган.

Депутатлар истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб беришнинг янги механизминини жорий этувчи "Иссиқлик таъминоти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳулосасига келдилар.

**Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА муҳбири**

“Обод маҳалла” дастури – амалда

Бугун пойтахтимизда “Обод маҳалла” дастури доирасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганидан хабарингиз бор. Мазкур йили ҳар бир сектор биттадан маҳаллани обод маҳаллага айлантириш мақсадида ҳаракат қилмоқда. Биз ижодий гуруҳимиз билан Мирзо Улугбек ва Учтепа туманларида бўлиб “Обод маҳалла” дастурига тушган иккита маҳаллада амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

Дастлаб, Мирзо Улугбек тумани 4-секторига бириктирилган “Сайрам” маҳалласида бўлди. Бу сектор Мирзо Улугбек тумани ДСИ бошлиғи Акрам Халилов худудига қарайди.

Маҳаллада 23 та кўп қаватли уйлар бўлиб, уларга 4 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари 686 та яқка тартибдаги хонадонлар мавжуд. Бу маҳаллада 3 минг 351 киши истиқомат қилади. Сектор масъуллари билан худудни айланар эканмиз махсус техника ноқонуний қурилмаларни бузаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Маҳалла идораси учун янги бино қурилмоқда. Шу чоққача 5 та уйнинг фасад қисми таъмирдан чиқарилган ва уйларга туташ бўлган худудларда ободонлаштириш ишлари олиб борилган.

“Сувсоз” корхонаси томонидан қувурлар янгиланиб, 4 та трансформаторда реконструкция ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилган. Мазкур ишларга 6 млн. сўм маблағ сарфланган.

Маҳалла худудидида жами 437 та ноқонуний қурилган гаражлар бўлиб, бугунги кун ҳолатига 369 таси бузилиб, янги бордюрлар қўйилмоқда.

“Озод уйчи” ХУЖМШ раҳбари Пўлат Ўразбоевнинг таъкидлашича, ширкат 17 та кўп қаватли уйга хизмат қилади, шунинг 15 таси 2 қаватли, 2 таси 4 қаватли уйлардан ташкил топган. Тижорат банкларидан олинган кредитга том, ертўла, фасад ҳамда йўлақлар таъмирланишига эришилган. Кредитга олинган 80 млн. сўмнинг 63 млн. сўми 10-уйнинг том қисмини таъмирлашга ишлатилди. Қолган 7 млн. сўм Сай-

рам кўчасидаги 3-уйнинг фасади таъмирига сарфланди.

Мудофаа вазирлигига қарашли 2 қаватли уйларда ҳалиям айрим муаммолар кўзга ташланади. Йўлақлар тўлиқ таъмирдан чиқарилмаган.

АСОСИЙ МАҚСАД АҲОЛИНИ РОЗИ ҚИЛИШ...

Мазкур йили маҳалладаги 225-умумтаълим мактаби мукамал таъмирдан чиқарилмоқда. Бунинг учун давлат бюджетидан 1 млрд. 850 млн. сўм маблағ ажратилган. Зиё масканидаги қурилиш ишлари “Osioy dur samo” МЧЖ қурувчилари томонидан олиб борилмоқда. Яқин кунларда ўқувчилар замонавий таъмирланган қадрдон мактабларида ўқишни давом эттирадидлар.

Учтепа туманида жойлашган “Найман” маҳалласи ҳам мазкур йили “Обод маҳалла” дастурига тушган. Бу маҳалла 4-сектор – Учтепа тумани ДСИ бошлиғи Шокир Исоқов худудига қарайди.

“Найман” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олтиной Кенжабоевнинг маълумот беришича, худудда 32 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, 5 ярим мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Кўп қаватли уйларга 5 та ширкат хизмат кўрсатади. Бу уйлар қарийб 50 йилдан бери мукамал таъмирланмаган. Биринчи навбатда бу ерда аҳоли томонидан ўзбошимчилик билан қуриб олинган ноқонуний қурилмалар бузиб ташланди.

Хусусий тадбиркор Феруза Ашурова томонидан замонавий маҳалла маркази қуриб бит-

казилмоқда. Масъулларнинг айтишича, дастур доирасида давлат бюджетидан асфальт, ирригация тармоғи ҳамда бордюрлар учун 9 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилган.

Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитга том, ертўла, фасадлар, кириш йўлақлари таъмирланмоқда. Сектор масъул ходими Мирқосим Маҳмудовнинг таъкидлашича, 4-сектор киш мавсумига тайёр.

“Найман” маҳалласида 1000 кв.м уй олд қисмидаги йўлақлар ва 3 та болалар майдончаси таъмирланди. Ички йўлларга бетон бордюр қўйиш каби кўплаб ишлар қилинапти, аммо муаммолар ҳали тўлиқ бартараф этилмаган. Биз маҳалла идорасида бўлганимизда 28-уй, 76- хонадонда яшайман, деб ўзини таништирган Ольга Лихрова мавжуд муаммолар ҳақида ёзғирди. Унинг уйи тоmidан бир неча йилдан бери чакка ўтар экан. Козероғлар эскиргани учун ёғингарчилик пайти сув сизиб чиқади. “Хаёт йўли коммуналчи” ХУЖМШ раҳбари Ф.Бурганов ваъдасидан одамлар чарчаган.

Мурожаат қилмаган ташкилот қолмади ҳисоб. Ҳокимият, прокуратура ҳамма ёққа ёзишди. Қишда иссиқлик узатишда ҳам муаммолар учрайди. Ертўлага қараб бўлмади. “Сектор раҳбаридан ушбу масалаларда ёрдам беришини сўраймиз”, дейди пенсионер О.Лихрова.

Сафаримиз давомида “Найман” маҳалласида қурилаётган янги маҳалла маркази билан ҳам танишдик. Бу ерда охири пардозлаш ишлари олиб борилаётган экан.

Тўғри, давлатимиз ташаббуси билан “Обод маҳалла” дастури доирасида мақсадли ишлар қилинапти. Маҳалла ички қўчалари обод бўлмоқда. Аммо айрим муаммолар ҳам учраб қолади. Аҳолининг ичига кириб, хонадон эгалари билан суҳбатлашсангиз, бунга гувоҳ бўлишингиз мумкин. “Найман” маҳалласида фасадлар билан боғлиқ муаммолар ўз фоиз ўз ечимини топмаган. Болалар майдончалари ҳам талаб даражасида эмас. Масъулларнинг айтишича, бу борада ишлар давом эттирилмоқда.

Биз ҳам ушбу муаммоларнинг бартараф этилиб, маҳалла янада обод бўлишини тилаган ҳолда ортага қайтдик.

Жасур ЭЛИМОВ

Бу саволга жавоб излашда узоқ пайт бир ёқлама ёндашилди. Дунё тан олган хориж адиблари, асарият рус ёзувчилари ўзбек қалам аҳлига кўрсатган таъсирини топишга гоҳида ҳолис, кўпинча эса, зўраки интилиш билан машғул бўлинди. Ҳолбуки ўзбек ёзувчилари ҳам ўз асарлари билан жаҳон сўз санъатию, адабий жараёнига муносиб улуш қўша олган эди.

ЙИГИРМАНЧИ АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЖАҲОН СЎЗ САНЪАТИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ ҚАНДАЙ?

– Аммо биз бу улушни тадқиқ ва таҳлил орқали кўрсатиш тугул, ҳатто эътироф этишга ҳам чўчирик, журъат қилмадик, – дейди Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, филология фанлари доктори, профессор Бахтиёр Назаров. – Бугун эса ўша хато ва камчиликларимизни мардларча тан олиш, айбни ўзимиздан – ўз тан-қиди ва адабиётшуносларимиздан қидириш ўрнига нуқул шўро сивастию унинг мафқураси зугумига тўнкавтирмиз. Европа ва Америка танқидчилиги ҳамда адабиётшунослигининг хусусиятларидан бири шундай: улар ўз минтақаларидида яратилган асарлар фазилатини жаҳонга кўз-кўз қилишни, кенг тарғиб-таъшиқ этишни салкам қонунга айлантирган ва барча соҳада бўлгани сингари адабиётда ҳам дунё гегемони эканига атай уруғ беради. Йигирманчи аср ўзбек адабиётида “Абулфай-хон”, “Кеча ва кундуз”, “Уткан кунлар”, “Рўҳлар исбни”, “Ўзбекистон” каби шох асарлар кам эмас. Шунга қара, адабий таъсир билан бирга типологик яқинлик муаммосини ҳам тадқиқ этиш – ўзбек адабиёти жаҳон сўз санъати контекстида ўрганишининг самарали усулларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида ўтказилган “XX аср ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти контекстида” мавзусидаги республика илмий-назарий конференция ани шундай баҳо-мунозараларга бой бўлди.

Ҳар бир миллий адабиёт қайси тилда ва қайси жуғрофий минтақада яратилган бўлмасин, жаҳон адабиётининг тарқибий қисми ҳисобланади. Фақат бундай шарафга эришиш учун бу адабиёт шаклланиш йўлини босиб ўтган ва бошқа миллий адабиётлар билан ижодий алоқада тараққий этаётган бўлиши лозим.

Академик Наим Каримов йигирманчи аср бошларида жадид адабиёти сифатида майдонга келган янги ўзбек адабиёти юз йилдан зиёд тарихи мубайнада етиштирган улуғ шир ва ёзувчилар асарлари, эришган ижодий ютуқлари нафақат янги ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти тарққийоти ҳам катта ҳисса қўшганини таъкидлади. Жаҳон адабиёти дейилганда асосан, Европа ва Америка халқлари адабиётини назарда тутамиз. Ҳолбуки, жаҳон адабиёти тушунчаси мазкур адабиётлардан ташқари, рус ва собиқ иттифок халқлари адабиётларини ҳам ўз қамровига олади.

Янги ўзбек адабиёти тарихи: жадид адабиёти, пролетар адабиёти, социалистик реализм адабиёти, истиқлол арафаси адабиёти ва мустакиллик адабиёти даврларидан ташкил топган. Янги ўзбек адабиёти тарихининг пролетар ва социалистик реализм адабиётлари даврини инобатга олганда ўзбек адабиёти ўз тарихининг бошқа даврларидида жаҳон адабиёти билан узвий алоқада ва шу адабиётнинг магистрал тараққийот йўлидан бори. Ҳатто, социалистик реализм методи ҳукмронлик йилларида ҳам Ойбек, Гафур Гулом, Ҳамид Олимов, Шайхзада, Миртемир, Асқад Мўктор сингари истеъдодли ўзбек ёзувчилари шўро методининг таъсир доирасидан батамом чиқолмаган бўлсаларда, бадий юксак, умрбоки асарларни яратганлар.

Конференцияда, шунингдек, тарихимиз санъати ҳамда йигирманчи аср ўзбек шеърини таъриҳи ҳамда сўз юртилиди. Адабиётшунос ва ёш изланувчиларнинг мавзуга доир маърузалари тингланди.

Моҳиғул ҚОСИМОВА, ЎЗА МУХБИРИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“AGRO KONTINENT” (ИНН 201377893) масъулияти чекланган жамиятининг Устав жамғармаси 60 468 691,00 (олтмиш миллион тўрт юз олтиш саккиз минг олти юз тўқсон бир) сўмдан 30 839 032,41 (ўттиз миллион саккиз юз ўттиз тўққиз минг ўттиз икки) сўм 41 тийинга камайитрилганини маълум қилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Нодирабегим филиали Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 8а-уйда жойлашган банк биноси ичидаги эркаклар ва айёллар ҳожатхоналарини мукамал таъмирлаш мақсадида махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида смета тайёрлаш бўйича 7 (етти) календарь кунга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА! Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Миробод филиалининг янги ишлаб чиқилган дизайн асосида бинонинг ички қисмида мукамал таъмирлаш ишларини олиб бориш бўйича ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 71-215-59-45; 71-236-22-95; 71-255-99-75.

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида 2 қаватли хат жилдада жойланган ва корхона мўҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2-Республика тиббиёт коллежида вакант бўлган ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Олий маълумот (таълим муассасасидаги таълим йўналишларидан камиди биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот); 2. Педагогик иш стажини таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услувий, бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан кам эмас; 3. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стаж талаб этилмайди. Танловда иштирок этувчилар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва тиббий таълим бош бошқармасига ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

2-Республика тиббиёт коллежи 2018-2019 ўқув йили учун “Фармация” ҳамда “Хамширалик иши” йўналишларининг мутахассислик фанларини ўқитиш учун ўқитувчи лавозимига ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Санкт-Петербург губернияси вакиллари билан иборат делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда Тошкент ва Санкт-Петербург ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан sanoat ва иқтисодий соҳаларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган “Тошкент кунлари” тадбирининг тай-

“ЎЗБЕК ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ” ОММАВИЙ АКЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан “Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 29 йиллиги” муносабати билан “Ўзбек тилим — жону дилим” оммавий акцияси ташкил этилди.

Акция тадбирлари Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтди. Ҳар бир таълим муассасасидаги тадбирларда 100 дан ортиқ талаба-ёшлар фаол иштирок этишди. Акция давомида ёшларнинг она тилимизда бўлган муҳаббатини юксалтириш мақсадида “Ўзбек тили би-



лимонди” ва “Саволга жавоб бериш ва мукофот олиш” каби турли викториналар ҳам ўтказилди. Уларда иштирокчиларнинг тилимиз тарққийотида хизмат қилган буюк аждодларимиз фаолиятига доир саводхонлиги аниқланди. Талабалар саволларга жавоб бериш барида она тилимизда битилган бетактор сатрларни ёд ўқиб, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳам тушун-

МАСЪУЛИЯТ ЯНАДА ОШИДИ

Мажбурий ижро бюросининг Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан туман Маъмурий суди, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари 200 га яқин суд қарорига асосан алимент тўловчи фуқаролар ҳамда алимент тўлашда масъулиятсизликка йўл қўйган қарздорлар иштирокида сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди.

Мазкур сайёр суд давомида алиментни ундириш билан боғлиқ масалалар, алимент тўлайдиган ота-оналарнинг масъулияти, айрим иш берувчиларнинг манфаатлари алимент тўлашдан бўйин товлоччи шахслар манфаатларига мос келиши, шу босис, алиментни тўловчининг ҳақиқий даромадларидан келиб чиқиб ундириш кераклиги, бу борада маҳалла раислари билан ҳамкорлик қилиш каби масалалар юзасидан сўз юритилди.

Қонунчилигимизда алимент тўлаш мажбуриятлари аниқ кўрсатиб ўтилган. Аммо ҳамма ота-оналар ҳам бунга тўлиқ амал қилаётгани йўқ. Даромадларини беркитиб, ўз фарзандларини таъминотсиз қолдиришдан уялмапти.

Жумладан, муқаддам жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 06.03.2017 йилдаги ақримига асосан Ш.Н. бир нафар фарзандининг таъминоти учун Н.Ш. фойдасига алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатига кўра 2 миллион 767 минг сўм қарздорлиги тўланмаганлиги сабабли суд залида қамоққа олинди.

Бундан ташқари, М.Х. икки нафар фарзанди таъминоти учун 3 миллион 80 минг сўм қарздорлиги тўланмаган-

123 ЙИЛЛИК БИНОДА МУЗЕЙ ОЧИЛДИ

“Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банкининг Мирзо Улугбек филиалида музей очилди.

123 йилдан буён бу ерда банк-молия муассасалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Дастлаб бинода Россия империяси давлат банкининг минтақавий бўлими ва 1922 йилдан “Саноатбанк”нинг Ўрта Осиё бўлими жойлашган эди. Ушбу банк кейинчалик “Ўзсаноатқурилишбанк”га айлантирилди. XIX аср охирида меъмор В.Гейнзелман лойиҳаси билан қурилган икки қаватли бино Амир Темур хиббони ансамблининг бир қисми ҳисобланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, банк биноси шу кунга қадар деярли ўзгармаган. Банкнинг ташқи кўриниши ўша давр биноларига хос неоклассицизм услубида бунёд этилган. Бинонинг ички кўриниши ҳам дастлабки қисмлар тўламайдан иборат бўлиб, уларда айрим қайта тиклаш ишлари бажарилган. Ундаги мавжуд деворий печ ўтхонаси эшикларини, Франц Сан-Галли чўян қуйиш ва механика заводининг катта эшиклари, пул ва бошқа молларни кўтариш механизми, оқ-қора рангдаги фотосуратлари, теле-

фон, ёзув машиналари, давлат кредит карталари каби нодир ашёлар томошабинлар эътиборини тортмай қолмайди. – Бундай тарихий бинода ишлаш жамоамиз учун катта фахр дур, – деди ЎЗА мухбирига “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг стратегия ва маркетинг бошқармаси бошлиғи Отабек Абдурахимов. – Шу боис биз ушбу иморат тарихини халқимизга яқиндан таништириш мақсадида бу ерда ноанъанавий музей ташкил этдик. Ўтган вақт давомида банкда хизмат қилган ҳар бир ходим бинонинг ички ва ташқи кўринишини асл ҳолатда сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Бугунги кунда бу тўлиқ фаолият кўрсатувчи банк бўлими бўлиб, унинг эшиклари нафақат мижозлар, балки тарихни қадрловчилар учун ҳам кенг очқидир. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳақимов сўзга чиқди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

